

Сабринг мукофоти



12:20 / 12.03.2018 5086

Аллоҳ таоло: «**Сабрлиларга хушxabар беринг**», деб марҳамат қилган (Бақара сураси, 155-оят).

Бошига тушган мушкулотларга сабр қилган бандалар Аллоҳ таолога энг яқин инсонлардир. Фаришталар улардан айрилмайдилар, Аллоҳ уларни гуноҳлардан поклайди, руҳларини мусаффо айлайди, тилларига дуо солади, қалбларини розилик билан тўлдиради. Улар билан бирга ўтириб қолсангиз, Аллоҳдан рози бўлиш, У Зотнинг қазою қадарига таслим бўлиш ҳақида панд-насихат қилишади. Гоҳида улардан кўнгил сўраб, ҳамдардлик билдирасиз, ҳолбуки улар сиз айтган нарсаларни яшаб, ҳис қилиб турган, кўзлари билан кўриб, қазо ва қадарга иймон келтириб турган бўлишади. Асал еяётган одам билан асалнинг ширинлигини тавсифлаб берилган одам ўртасида қандай катта фарқ бор!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: **«Аллоҳ таоло қиёмат куни: «Эй Одам боласи, Мен бемор бўлдим, кўргани келмадинг», дейди. Банда: «Эй Роббим, қандай қилиб Сени кўргани бораман? Ахир Сен Роббул оламин бўлсанг?» дейди. «Фалон бандам бемор бўлди, уни кўргани бормадинг. Агар уни кўргани борганинда, Мени унинг ҳузурида топишингни билмасмидинг?» дейди»** (Имом Муслим Абу Хурайрадан ривоят қилган).

Улуф саҳобий Имрон ибн Ҳусойн ўттиз йил тўшакка миҳланиб ётганлар. У зотга фаришталар салом беришарди. Баъзилар у кишининг касали оғирлиги туфайли унинг зиёратига бормай қўйди. Муторриф айтади: «Мен Имронга: «Сизни кўргани бормай қўйишимнинг боиси – сиз мана шу аҳволда эканингиз», дедим. У: «Ундай қилма. У Зот бу дардни менга маҳбуб қилибдими, демак, Аллоҳ азза ва жаллага ҳам маҳбубдир», деди». Ё Аллоҳ, бемор дардни ёқтирмақда, чунки буни унга Аллоҳ ёқимли қилиб қўйган. Иймон ҳаловати дард аччиғидан устун келмоқда!

Ким бемор бўлиб қолганида Аллоҳ таолога ҳамд айтса, **«Аллоҳ таоло фаришталарига шундай дейди: «Бу бандамнинг Мендаги ҳаққи шуки, агар уни вафот топтирсам, жаннатга дохил қиламан; агар унга шифо берсам, унга соғлом тана, соғлом қон бериб, гуноҳларини кечириб юбораман»** (Имом Молик «Муватто»да ривоят қилган).

Дардга чалиниб, унга рози бўлиб, сабр қилган, ҳатто Аллоҳга ҳамд айтиб, истиржоъ айтган одамнинг ҳоли шу бўлса, дарддан ҳам оғирроқ нарса билан балоланган ва бунга сабр қилган одамнинг ҳоли қандай бўларкин?

Аллоҳим, Сендан авф, сиҳат-саломатлик тилаймиз, дин, дунё ва охирадда доимий офият сўраймиз.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси